



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HAY’ATI MAJLISINING
B A Y O N I

2023 y. “01” iyun

01 - son

2023 йил 31 май

Тошкент шаҳри

Раислик қилди: Ш.Д.Кудбиев – Иқтисодиёт ва молия вазири,
Хайъат раиси

Қатнашганлар: Хайъат аъзолари, вазирлик аппарати департамент
директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим
бошлиқлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги
ПФ–67-сон Фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган Янги
тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб
чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар
дастурида белгиланган топшириқлар ижроси сифатини янада ошириш
ва барвақт ижро этилишини таъминлаш тўғрисида.**

(Ш.Кудбиев, И.Норқулов, Э.Рустамов, А.Каримов, Д.Султанов, Н.Ахмеджанов, Ш.Кудбиев,)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 майдаги
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг
хайъати аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 211-сон қарори
қабул қилинганлиги сабабли, ушбу қарор билан тасдиқланган Иқтисодиёт
ва молия вазирлигининг 11 кишидан иборат бўлган хайъати аъзолари
таркиби ўқиб эшиттирилди.

Шунингдек, кун тартиби бўйича:

2023 йил 30 апрель кuni умумхалқ референдум асосида янги
тахрирдаги Конституция қабул қилинганлиги, фуқароларнинг **90,21 фоизи**
ушбу Конституцияни ёқлаб овоз берилгани;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **жорий йил 8 май кuni**
референдум натижалари бўйича Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий
партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтганлиги,

янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий қилиш бўйича Ҳукумат ҳамда барча вазирлик ва идораларга кечиктириб бўлмайдиган бир қатор муҳим топшириқлар берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**” ПФ–67-сон Фармон қабул қилинганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, мазкур Фармон ҳамда ушбу Фармон билан тасдиқланган Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларда белгиланган топшириқлар ижроси ҳолати юзасидан вазир ўринбосари **Э. Рустамовнинг** ҳисоботи эшитилди.

Хусусан, вазир ўринбосари Э. Рустамов ўз ҳисоботида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “**Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида**” ПФ–67-сон Фармони ижросини таъминлаш бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ўз ичига олган **чора-тадбирлар режаси** тасдиқланганлигини;

мазкур чора-тадбирлар режасида **бевосита вазирлик ижрочи сифатида 13 та ва ҳамижрочи сифатида 28 та** этиб белгиланган **41 та топшириқ** назарда тутилганлигини (*шундан, 7 таси норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқиш билан боғлиқ*);

жорий йил май ойида 1 та, июнь ойида 3 та, август ойида 1 та, бажарилиши белгиланган 5 та топшириқ бажарилганлиги;

топшириқлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таъминлаш мақсадида **2023 йил 27 май куни** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири маслаҳатчиси раҳбарлигида **Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари** ва ходимлари йиғилиши ўтказилиб, барча даражадаги раҳбарларга бу борада зарур кўрсатма ва топшириқлар берилганлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, чора-тадбирлар режасида белгиланган 41 та топшириқнинг Вазир ўринбосарлари кесимида таҳлилига тўхталиб ўтилди. Хусусан, **И.Норқуловда – 9 та, А.Каримовда – 8 та, Д.Султановда – 10 та, Э.Рустамовда – 6 та, А.Бобоев 2 та** ва **Н.Ахмеджановда 6 та топшириқ** мавжудлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, масъул департамент ва Бошқармалар бўйича:

Фискал сиёсат департаменти (**Х.Базаров**) – **6 та**;

Тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнес муҳитини яхшилаш департаменти (**Т.Хусанов**) – **6 та**;

Давлат бошқаруви, ҳокимият ва бошқа органлар фаолиятини молиявий таъминлаш бошқармаси (**А.Аннакулов**)-4 та ;

Худудларни комплекс иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштириш департаменти (**Р.Маманов**) – 4 та;

Ижтимоий соҳалар иқтисодиёти ва молияси департаменти (**Н.Сабилов**) – 4 та;

Мудофаа мажмуи, суд, адлия ва ҳуқуқ-тартибот органларида бюджет сиёсати бошқармаси (**Т.Султанов**) – 3 та;

Юридик департамент (**С.Қўйчиев**) – 3 та;

“Яшил” ва билим иқтисодиёти, инновацион технологиялар жорий этилишини қўллаб-қувватлаш бошқармаси (**Ш.Исламов**) – 2 та;

Камбағалликни қисқартириш, ижтимоий муҳофаза ва молиявий кўмаклашиш бошқармаси (**Ғ.Исраилов**) – 2 та;

Стратегик ривожлантириш бошқармаси (**Т.Нарзикулов**) – 2 та;

Ипотека ва уй-жой дастурларини шакллантириш, соҳани ривожлантириш ва молиялаштириш бўлими (**Б.Раджабов**) – 2 та,

Давлат бошқаруви, ҳокимият ва бошқа органлар фаолиятини молиявий таъминлаш бошқармаси, Базавий тармоқ ва соҳалар корхоналари иқтисодиёти, молияси ва тариф сиёсати департаменти (**Х.Мустафаев**), Давлат бюджети департаменти (**Ш.Мухамедов**), Макроиқтисодий сиёсат департаменти (**А.Джалилов**) – 1 тадан топшириқлар ижроси юзасидан амалга ошириш механизмлари ва режа-графиклари бўйича бирма-бир ҳисоботлари эшитилди.

Муҳокама натижаларига кўра, Ҳайъат мажлисининг кун тартибидаги масала бўйича **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ҳайъати аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 211-сон қарори;

Ҳайъат мажлисининг кун тартибидаги масала юзасидан Вазир ўринбосари Э.Рустамовнинг ҳисоботи **маълумот учун** қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармони ижросини таъминлаш юзасидан **Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг режа-графи**ги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппарати департамент директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда тасдиқларган Режа-графикдаги ҳар бир топшириқнинг ижросини **барвақт таъминлаш чораларини кўрсин.**

3. Вазир ўринбосари Э.Рустамов **бир кун муддатда** тасдиқланган режа-график нусхасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибияти Ахборот-таҳлил ва юридик таъминлаш департаментига етказсин.

4. Вазир ўринбосарлари (Э.Рустамов, Д.Султанов), вазирлик марказий аппарати тузилма раҳбарлари (Х.Базаров, Г.Исраилов, Н.Сабилов, Р.Маманов) **жорий йил:**

10 июнга қадар июнь ойида бажарилиши белгиланган **3 та** амалий чора-тадбирларни сифатли ишлаб чиқирилишини таъминласин;

20 июнга қадар **1 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминласин.

5. Белгилансинки, вазирлик марказий аппарати департамент директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари:

ҳар ҳафтанинг жума куни Фармон ва Чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида тегишли Вазир ўринбосарлари билан келишилган ҳолда Йиғма ахборот-таҳлил ва маълумотлар билан таъминлаш бошқармаси (Б.Худайберганов) тақдим этиб борилиши бўйича департамент директорлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари шахсан масъул ҳисобланади;

Фармон ва Чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида, сифатли, тўлиқ таъминлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда чора-тадбирлар дастурлари лойиҳаларининг **сифатли тайёрланишини** шунингдек ўз вақтида ижроси таъминланиши юзасидан **кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриб боради;**

Йиғма ахборот-таҳлил маълумотлар билан таъминлаш бошқармаси (Б.Худайберганов) тегишли ижрочилар билан биргаликда умумлашган маълумотлар асосида Фармон ва Чора-тадбирлар дастурида белгиланган ҳар бир топшириқнинг ижроси бўйича вазир ўринбосари Э.Рустамов ҳузурида ҳимоя қилиш тизими йўлга қўйилади.

Вазир ўринбосари Э.Рустамов тегишли ижрочилар билан биргаликда Фармон ва чора-тадбирлар дастурида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш жараёнида **юзага келадиган муаммолар бўйича Вазирга ахборот киритиб борсин.**

6. Вазир ўринбосарлари томонидан **ҳар ҳафтанинг сешанба куни ҳамда ҳар ойнинг 10 санасига қадар** Фармон ва Чора-тадбирлар дастурида ижро этилиши белгиланган топшириқлар юзасидан умумлаштирилган маълумотларни **Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши таъминлансин.**

7. Мазкур Баённинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ҳайъат раиси



Ш.Кудбиев